

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИФЗОДА САРДОРБЕК ЎРАЗБОЙ ТАБИБ ЎҒЛИ

**ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
science**

Шарифзода Сардорбек Ўразбой табиб ўғли

Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив
ёндашувдан фойдаланиш механизмлари..... 5

Шарифзода Сардорбек Уразбай табиб угли

Механизмы применения интегративного подхода к формированию базовых
компетенций у учащихся 23

Sharifzoda Sardorbek Urazbay tabib ugli

Mechanisms for applying an integrative approach to the formation of basic
competencies in pupils 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИФЗОДА САРДОРБЕК ЎРАЗБОЙ ТАБИБ ЎҒЛИ

**ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped932 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рузиев Эркин Искандарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Базарова Саодат Джамоловна
педагогика фанлари доктори, профессор
Абдураимов Шерали Саидкаримович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «23» 08 соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, Email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (661 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «29» 08 кuni тарқатилди.

(2022 йил «11» 08 даги 6 -рақамли реестр баённомаси).



Қ.С. Қаҳҳоров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси п.ф.д, профессор

А.Р. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD),
доцент

Ҳ.О. Жўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўқувчилар учун ҳаётий зарур бўлган таянч компетенцияларни шакллантириш, уларда ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш, интегратив характердаги ўқув топшириқлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро ташкилотлар томонидан “Таълим-тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” деб эътироф этиш муносабати билан ўқувчилар компетенциясини баҳолаш халқаро дастури (PIAAC), ўқувчилар билимини баҳолаш (PISA), технология таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этишни баҳолашда (STEM)дан фойдаланиш ҳамда касбий маҳоратни шахс сифатлари билан уйғунлаштириш, турли ўзгаришларга тез мослашиш, интегратив ўқитиш технологиясини таълим жараёнларига изчил жорий этиш ҳамда лойиҳалаштиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё ўқув илмий-тадқиқот муассасаларида технология фани орқали ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланиш жараёнини оптималлаштириш ва уни амалга ошириш технологияларини лойиҳалаштириш, таянч компетенцияларни шакллантириш механизмларининг педагогик имкониятларини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда ўқувчилардаги ихтирочиликни аниқлаш, техник конструкциялаш ва моделлаштиришга оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини янгилаш, ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий-маданий дунёқараши бўйича фаолиятли компетенциявий ёндашувлар, муаммоли ўқитиш ҳамда тадқиқотчилик фаолиятига ўргатиш, замонавий таълимни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган туб ислохотлар олиб борилмоқда. “Ёшлар тарбиясини замонавий асосда, илмий-технологик талабларни ҳисобга олиб ислоҳ қилиш, такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий ва маънавий асосда шакллантиришни тақозо этмоқда. Тарбияга янгилаш, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтариш даркор”¹. Шу нуқтаи назардан ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган тенденциялар ва техник конструкциялаш ва моделлаштиришга оид креатив

¹ Мирзиёв Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.290-291

қобилиятларини ривожлантиришни мазмунан такомиллаштириш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сон “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳамда бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ўқувчиларда таянч компетенциялар ва ижтимоий компетентликни шакллантириш бўйича Б.С.Абдуллаева, Р.Г.Сафарова, Ю.М.Асадов, Ж.Э.Усаров, Н.Ш.Рузикулова, М.М.Вахобов, Х.П.Назарова, Б.Х.Ходжаев; педагогик интеграция доирасида эса Р.Х.Джураев ва А.Зуннунов, Р.Мавлонова, Р.Г.Сафаровалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Компетенция, компетентлик ва интеграциялаш муаммолари бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан В.И.Байденко ва Б.Оскарссон, Р.З.Богоудинова, Е.А.Боярский, Е.А.Кагакина, В.В.Осипов ва Т.П.Бугаева, О.А.Валихонова, Л.А.Петровская, А.Р.Камалеева, Л.С.Петрова, Г.И.Батурина, И.А.Зимняя, Д.С.Рубинштейн, А.Р.Камалееваларнинг ишларида ёритилган.

Шу билан бир қаторда шахсининг ижтимоий ривожланиши масалалари хориж олимлари Alan Pulverness, A.Bandura, Hutmacher Walo, D.Hymes,

N.Julia, D.Nushe, T.Radinger, A.Stoof каби педагог, психолог, файласуф, социолог олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлсада, Республикамиз умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланиш механизмларига доир педагогик тадқиқотлар айнан “Технология” фани мазмуни доирасида амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшлар маънавий қиёфасини юксалтиришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий муаммоларини ўрганиш” мавзуси (2017-2021 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ва таълим жараёнида фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таянч компетенцияларни ўқувчиларда интегратив ёндашув асосида шакллантириш муаммосининг объектив реал ҳолатини тизимли таҳлил қилиш орқали истиқболли педагогик-психологик механизмларни аниқлаш;

ривожлантирувчи таълим воситаларининг функционал имкониятлари асосида ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳамкорлик ва шахслараро муносабатларга киришиш имкониятларини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш сифатларини оширишга қаратилган креативлигини ривожлантирувчи педагогик жараён моделини мазмунан такомиллаштириш;

интегратив ёндашувдан фойдаланиш асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шаклланганлигини баҳолаш меъзонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда тадқиқотнинг тажриба-синов натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён танланиб, тажриба-синов ишларида Хоразм, Андижон, Тошкент вилоятларининг умумий ўрта таълим мактабларидан 138 нафар ўқитувчилар ва 1562 нафар ўқувчилар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланиш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда педагогик тадқиқотларда қўлланиладиган адабиётлар таҳлили, кузатув, умумлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўқувчиларни мантикий фикрлашига асосланган гностик характердаги эвристик топшириқлар, танқидий тафаккурини ривожлантириш, муайян

вазиятлардан чиқиш, муаммоларга тезкор ечим топиш кўникмаларининг психомотор, функционал ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги педагогик-психологик механизмлар аниқлаштирилган;

ривожлантирувчи таълим воситаларининг дидактик, ўқув-методик, визуаллик, диагностик, интеллектуал функционал имкониятлари ўқувчиларнинг тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият мазмунини симуляциялаш орқали драйвер ролини интеграциялашга қаратилган ижтимоий ҳаётдаги ҳамкорлик ва шахслараро муносабатларга киришиш имкониятлари такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш сифатларини оширишга қаратилган (мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш) индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошириш қобилиятларига йўналтирилган тенденциялар, техник конструкциялаш ва моделлаштиришга оид креативлигини ривожлантирувчи модель мазмунан такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг таянч компетенциялари, интегратив характердаги ижтимоий компетентлиликни шакллантиришда ижодий имкониятларини кенгайтириш, инновацион ўқув фаолиятини рефлексиялаш, ижтимоий-маданий дунёқараши бўйича фаолиятли компетенциявий ёндашувлар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятига оид методика таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш мазмунини белгилаш асосида интегратив характердаги ўқув материаллари комплекси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида уларни ижтимоийлаштириш имкониятлари интегратив технологиялардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар ўқув жараёнида дидактик восита сифатида қўлланган;

ўқувчиларда таянч компетенциялар шакллантириш асосида интегратив характердаги ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш жараёнининг модели ҳамда уни амалиётга тадбиқ этиш, реал ҳаётий вазиятларни имитациялаш методидан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари таҳлили ёрдамида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланишга йўналтирилган муайян ўқув фаолияти, таянч компетенциялар даражасини баҳоловчи мезонлар, таълим жараёнининг такомиллаштирилган моделини амалиётда

қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш бўйича такомиллаштирилган интегрatív технологиялардан умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчи ҳамда педагогик тадқиқотчилар фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегрatív ёндашувдан фойдаланиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларни мантикий фикрлашига асосланган гностик характердаги эвристик топшириқлар, танқидий тафаккурини ривожлантириш, муайян вазиятлардан чиқиш, муаммоларга тезкор ечим топиш кўникмаларининг психомотор, функционал ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги педагогик-психологик қарашлар “Педагогика назарияси” номли ўқув кўланма мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи асосида берилган 500-96 рақамли гувоҳномаси). Натижада, ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш, интегрatív ёндашувдан фойдаланиш асосида ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ривожлантиривчи таълим воситаларининг дидактик, ўқув-методик, визуаллик, диагностик, интеллектуал функционал имкониятлари асосида ўқувчиларнинг тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият мазмунини симуляциялаш орқали драйвер ролини интеграциялашга қаратилган ижтимоий ҳаётдаги ҳамкорлик ва шахслараро муносабатларга киришиш имкониятларидан умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун “Технология” фани дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 6 октябрдаги 06-06/3-1083-сон маълумотномаси). Натижада, “Технология” фанини ўқитиш, ўқувчиларни таянч компетенцияларини шакллантириш жараёнида педагогик механизмларнинг имкониятлари ва интегрatív технологиялардан фойдаланиш асосида кенгайтирилиб, ижтимоий компетентлиликни шакллантириш мақсадида реал ҳаётий вазиятларни имитациялаш методидан фойдаланиш орқали ўзлаштиришнинг самарадорлиги таъминланган;

ўқувчиларнинг таянч компетенциялари интегрatív характердаги ижтимоий компетентлиликни шакллантиришда ижодий имкониятларини кенгайтириш, инновацион ўқув фаолиятини рефлексиялаш, ижтимоий-маданий дунёқараши бўйича фаолиятли компетенциявий ёндашувлар, ривожлантирувчи ва шахсга йўналтирилган таълим концепциялари, муаммоли ўқитиш ҳамда тадқиқотчилик фаолиятига ўргатишга оид илмий-методик тавсиялардан ЁА5-ХТ-1-31884-рақамли “Инновацион технологиялар шароитида физика ўқитувчисини методик тайёргарлигини шакллантириш усуллари” (2017-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда

фойдаланилган (Нукус давлат педагогика институтининг 2021 йил 23 декабрдаги 01-20-08/2167-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида интегратив характердаги ижтимоий компетентлиликни шакллантириш жараёнини оптималлаштириш ва бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятидаги методик тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-методик иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан, 3 та республика, 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 124 саҳифа матн, расмлар, жадваллар, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланишнинг ижтимоий-дидактик зарурат эканлиги асосланиб, интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида уларни ижтимоийлаштириш имкониятлари тизимли таҳлил қилинган.

Таълимдаги интегратив ёндашувнинг мазмуни бир қатор интеграциялашган бирликлар ёрдамида тўлдириш ва такомиллаштириш эҳтиёжи мавжудлигини англатади. Шу жумладан, ўқув фанлари орасидаги интеграция ўзининг муайян мақсадларига эга бўлиб, тўлақонли мазмунда уйғунлаштириш, ўқув фанларидаги таркибий компонентларни ўзаро боғлаш, фаолият усуллари ажратиш, уларни турли фан соҳаларига ўтказишни назарда тутди.

Бугунги кунда таълим жараёни олдига қўйилаётган янги талаблар шахсда алоҳида сифатларни шакллантиришни тақозо қилмоқда:

- Сиёсий, экологик, маданиятлараро муаммоларни ечиш лаёқатига эга бўлган шахсларни шакллантириш.

- Ижтимоийликни (Маданий, этник, диний кадриятлар ва фарқлар) ҳисобга олган ҳолда миллий кадриятларни шакллантиришдаги муаммоларни ечишга лаёқатли шахсларни шакллантириш. Шунингдек, миллатлараро мулоқот воситалари ва усулларини ўзлаштириш учун қулай дидактик вазиятларни яратиш.

- Ўқувчиларни ижтимоий ҳаётдаги турли ролларни (фуқаро, сайловчи, ота-она, оила аъзоси) бажаришга тайёрлаш.

- Ўқувчиларга ахборотларни излаш, таҳлил қилиш имконини берувчи умумий кўникмаларни шакллантириш.

- Ижтимоий ва бошқа ноаниқ вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш лаёқатини шакллантириш ва ушбу вазиятларда қабул қилган қарорлари учун масъулиятни зиммасига олиш, жамоада ишлаш ва жамоавий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш.

- Узлуксиз таълим олиш лаёқатига эга бўлиш, билиш фаолиятининг ривожланишини таъминлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган компетенцияларни шакллантиришга қўйиладиган талаблар таълим мазмунига оид фанлар интеграциясини таъминлаш асосида ўз ифодасини топиши керак.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси; унинг таркибига сиёсий ҳамда ижтимоий билимдонлик, шахсинг масъулиятли бўлиши, гуруҳдаги зиддиятларни куч ишлатмасдан бартараф этиш лаёқатини эгаллаш имкониятлари киради.

Миллий ва умуммаданий компетенция; ушбу компетенция доирасида кўпмаданиятли жамиятда ҳаёт кечириш учун зарур бўлган билимлар, толерантлик муҳитини ривожлантириш, бошқа дин ва миллат вакиллари билан бир жамиятда яшаш ва меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлиш кабиларнинг шакллантирилиши назарда тутилади.

Коммуникатив компетенция; мазкур компетенция доирасида бир ва ундан ортиқ тилда ёзма ва оғзаки мулоқот қила олиш кўникмалари шакллантирилади.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси; ушбу компетенция доирасида жамиятдаги ахборотларни ўзлаштириш билан боғлиқ билимлар, ахборот технологияларини ўзлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қўллашдаги тўсиқларни англаш, ахборотларга нисбатан танқидий-таҳлилий муносабатда бўлиш, тарғибот-ташвиқот воситаларини оммалаштириш кўникмалари шакллантирилади.

Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси; мазкур компетенция доирасида ўқувчиларни жадал тарзда ўзгараётган технологиялар муҳитига мослаштириш, ижтимоий касбий соҳада муваффақият қозониш учун имконият яратиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон таълим тизимида компетенциявий ёндашувни амалга ошириш бир қатор муаммоларни ечишни тақозо этади. Жумладан: таълимдаги янги методологик асоснинг категориал тизимини ойдинлаштириш; “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларининг

асосий негизи ва моҳиятини очиш; таълим жараёнида ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини илмий-методик жиҳатдан асослаш; ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини ташхислаш ва унинг ривожланиш динамикаси мониторингини амалга ошириш назарда тутилади.

Интеграциялаштирилган ўқув материаллари асосида зарур ахборотларни тақдим этиш орқали ўқувчиларда қуйидаги таянч компетенцияларнинг шаклланиши таъминланади: ўқув жараёнида топшириқларни ечиш учун зарур бўлган ахборотларни танлаш ва лойиҳалаштириш; мавжуд технологияларни такомиллаштириш асосида ўқувчиларга ўқув материалларини таҳлил қилиш ва мустақил ўрганиш учун шароит яратиш; ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув жараёнини бошқариш; таянч компетенцияларни осон ўзлаштириш имконини берадиган мантиқий фикрлашга асосланган гностик характердаги эвристик топшириқлар, танқидий тафаккурни ривожлантириш; компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув жараёнини моделлаштириш, таянч компетенцияларни шакллантириш имконини берувчи билимлар, ахборотлар, топшириқлар мазмунини интеграциялаш; компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув материалларини танлаш ва ўқув жараёнини лойиҳалаш асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Таянч компетенцияларни интеграциялаш натижасида интеграциялашган компетенциялар намоён бўлади. Компетенцияларни интеграциялашга оид таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд бўлиб, булар: интеграция натижасида ҳосил бўладиган интеграциялашган компетенциялар ҳақидаги тизимли тасаввурларнинг шаклланиши; компетенцияларни интеграциялаш механизмларини ишлаб чиқиш, жумладан, компетенцияларни интеграциялаш қандай амалга оширилишини дидактик жиҳатдан тавсифлаш; интеграциялашган компетенцияларни баҳолаш методикаларини ишлаб чиқиш; таълим мазмунини компетенцияларни интеграциялаш нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда лойиҳалаш ва моделлаштириш; ўқувчиларда интеграциялашган компетенцияларни шакллантириш воситалари, шакллари, усуллари ва методларни танлаш; муайян вазиятлардан чиқиш, муаммоларга тезкор ечим топиш кўникмаларининг психомотор, функционал ҳамда амалий фаолият турларини бажаришдаги педагогик-психологик механизмларини аниқлаштириш; ўқувчиларда интеграциялашган компетенцияларни шакллантириш жараёнини ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларда интегротив характерга эга бўлган таянч компетенциялар ёрдамида ижтимоий компетентлиликни шакллантириш жараёнида бир қатор зиддиятларга ҳам дуч келинади: ижтимоий-педагогик характердаги зиддиятлар. Жамият эҳтиёжлари билан ўқувчиларда ижтимоий компетентлиликни шакллантириш тизими орасидаги номувофиқликнинг мавжудлиги; илмий-назарий характердаги. Таълим жараёнида ўқувчиларда интегротив характердаги ижтимоий компетентлиликнинг шакллантириш механизмларини тадқиқи этишга бағишланган изланишларнинг етарли

даражада амалга оширилмаганлиги; Илмий-методик характердаги. Ўқувчиларда интегратив характердаги ижтимоий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган гуруҳли иш жараёни билан ушбу муаммонинг ечимига қаратилган инновацион методларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги.

Таянч компетенциялар педагогик ходиса сифатида ўқувчиларда айна бир вақтда биргина ўқув фани таркибида шакллантирилмайди. Уни шакллантириш учун интегратив ёндашувга таяниш талаб этилади. Таянч компетенцияларни шакллантиришда нафақат педагоглар балки ўқувчиларнинг ҳам билимларни эгаллаш ва уни амалий фаолиятларида қўллаш билан боғлиқ давомли ҳаракатлари, ички ҳамда ташқи тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, унда ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликни таркиб топтириш мазмуни очиб берилиб, ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари асосланган, ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив технологиялардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Шахснинг интегратив фаолияти махсули сифатида ижтимоий компетентлилик ўзининг муйян мазмуни ва таркибий тузилишига эга бўлиб, ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш, миллий ва умуммаданий, коммуникатив компетенцияларни шакллантириш асосида ижтимоий компетентлиликнинг мазкур компонентлари таркиб топтирилган бўлиб, қуйида ижтимоий компетентлиликнинг таркибий қисмларини ифодаланган.

Мотивацияли компонентнинг мазмуни мотивлар, эҳтиёжлар, ижтимоий ҳамкорлик меъёрлари, эмпатия ва унинг ўзига хос белгилари: Биргаликдаги фаолият ва мулоқотга бўлган эҳтиёжмандлик, суҳбатдошга ҳамда ижтимоий ҳамкорликка нисбатан позитив ёндашув, воқеалар ва ижобий ўзгаришларга нисбатан позитив муносабат, инсон хулқ-атвори ва фаолияти билан боғлиқ, биргаликдаги фаолиятга нисбатан ижобий мотивлар, ўзига ва ўзгаларга нисбатан қадриятли муносабатда бўлиш ҳамда аҳамиятли фаолият натижаларига эришиш.

Когнитив компонентнинг мазмуни ролли мослашувчанлик ва унинг ўзига хос белгилари: Шахсий ва ишчан муносабатларга нисбатан ҳамкорлик усуллар, билимлар, биргаликдаги ҳаракатларни тўғри бошқариш тизими, назарияларнинг гуруҳли фаолият жараёнида ривожланиши, ҳамкорлик жараёнида хулқ-атворнинг ўзига хос кўринишлари ва кўникмалар мажмуи, тажрибага таянган ҳолда ишчан ва шахсий муносабатларга киришишда самарали ҳамкорлик ўрнатиш, қадриятлар ва ижтимоий шарт-шароитлар, шахснинг ўзи ва инсон ҳақидаги билимлар, жамиятда ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш меъёрлари ҳақидаги билимлар, янги ижтимоий ролларнинг моҳиятини англаш.

Хулқ-атворга асосланган компонентнинг мазмуни гуруҳда ишлаш ва коммуникатив лаёқатга эга бўлиш ва унинг ўзига хос белгилари: Коммуникатив ва интерактив кўникмалар мажмуи, бошқаларни тушуниш ва уларга тушунарли бўлишга тайёрлик лаёқати, танлов ва мулоқот контекстининг ифодаланиши, турли даражаларда мулоқотнинг кўринишларидан фойдаланиш ва мулоқот услубларини танлаш, ижтимоий хулқ-атвор кўникмаларига эга бўлиш ва ижтимоий тажрибани фаоллаштириш.

Рефлексив компонентнинг мазмуни масъулиятлилик, муаммолар ва зиддиятларни бартараф этиш лаёқати ва унинг ўзига хос белгилари: Биргаликдаги фаолият жараёнида ўз ҳолатини англаш лаёқати, ўз ҳаракатларини ҳамкорининг нуқтаи назаридан идрок этиш, ҳар қандай ҳар қандай қарашларнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини кўра олиш, атрофдагиларнинг хулқ-атворини ўзаро мувофиқ тарзда интрепретациялаш, биргаликдаги фаолиятнинг натижалари ва самарали жиҳатларини танқидий баҳолаш, объектив қарорлар қабул қилиш учун масъулиятни хис этиш, зиддиятлар ва муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда бошқариш.

Ўқувчиларда турли компетенцияларнинг шаклланиши педагогик шарт-шароитларни тақозо этади:

1) таълим жараёнида ўқувчиларда ўз-ўзини ривожлантириш, билимларни мустақил эгаллашлари ва уларни амалий фаолиятларида қўллашлари учун қулай шароитлар яратиш;

2) ўқувчиларнинг таянч компетенцияларни интеграциялашган билимлар ёрдамида эгаллашлари учун қулай вазиятларни ташкил этиш, уларнинг амалий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш.

Педагогик жараёнда ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини интегротив ёндашув асосида шакллантиришда муайян қоидаларга амал қилиш лозим: ўқувчиларга интегротив билимларни тақдим этиш, мазкур билимларни амалий фаолиятларида қўллаш усуллари билан ўқувчиларни қуроллантириш; таянч компетенцияларни шакллантиришнинг ташқи омилларига эътибор қаратиш; ўқув жараёнида шахсий тажрибаларни фаоллаштириш, жумладан, кичик тадқиқотлар ўтказиш, лойиҳалар устида ишлаш, амалий кўникмаларни фаоллаштириш, мулоқот услубларидан фаол фойдаланиш, мустақил билим олиш ва ўз-ўзини ривожлантириш кўламини кенгайтириш; ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини мунтазам таҳлил қилиш, англаш, ривожланишнинг мустақил траекториясини танлаш, ўзи ва ўзгаларнинг ҳаракатларини, ҳамда хис-туйғуларини тушуниш, мулоқотга эҳтиёж сезиш, мулоқот қоидаларига амал қилиш, таълим жараёнида интегротив ёндашувга таяниш имкониятларини кенгайтиради.

Интегротив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда ички педагогик омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчи тафаккурининг маҳсулдорлиги унда таянч компетенцияларнинг шаклланишини жадаллаштиришда намоён бўлади.



1-расм. Интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришнинг такомиллаштирилган педагогик жараён модели

Бу эса ўқувчи шахсий фаолиятининг мотивлари, қоидалари, индивидуал психологик сифатлари ва ижодий фаолиятининг ўзига хослигида кўринади.

Объектив воқеликка нисбатан муносабат билдириш учун таълим жараёни субъектларида етарли даражада таҳлилий фаолият тажрибаси шаклланиши лозим. Бу жараёнда қуйидаги фикрлар муҳим ўрин эгаллайди: фикрлаш, фикрлашни қайта шакллантириш, аниқ фаолият усуллари бидан иккинчисига кўчира олиш. Ўқувчилардаги конструктив, ижодий хатти-ҳаракатлар, муаммоли вазиятларда рефлексиядан интеллектуал ҳамда шахсий даражага ўтишини таъминлайди.

Тадқиқ этилаётган муаммонинг ечимини топишда ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантириш сифатларини оширишга қаратилган (мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш) индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошириш қобилиятларига йўналтирилган тенденциялар, техник конструкциялаш ва моделлаштиришга оид креативлигини ривожлантирувчи модель мазмунан такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).

Шахснинг ривожланиши ҳақида фикр юритилганда уни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бугунги кунда таълим воситаларининг дидактик, ўқув-методик, визуаллик, диагностик, интеллектуал функционал имкониятлари, ўқувчиларнинг тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият мазмунини симуляциялаш орқали драйвер ролини интеграциялашга қаратилган ижтимоий ҳаётдаги ҳамкорлик ва шахслараро муносабатларга киришиш имкониятларини педагогик таҳлил қилиш ва жараёнга қўллаш методикаларини такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларга ечим топиш талаб қилинади: ўқувчиларда танлаган касблари доирасида эҳтиёжлар ва мотивацияларни шакллантириш; ақлий, жисмоний ривожлантириш; илмий дунёқарашни шакллантириш, фан-техниканинг илғор ютуқларидан хабардор қилиш; қонунларга ҳурмат билан қараш, жамиятдаги ҳулқ-атвор меъёрларига амал қилиш кўникмасини шакллантириш; эстетик тарбиялаш, уларда эстетик дидни шакллантириш; меҳнат ва касбий тарбияни амалга ошириш; ватанпарварлик, фидойилик хиссини тарбиялаш, ўзбек халқининг тарихига, она тилига ҳурматни таркиб топтириш.

Бугунги кунда ўқувчиларда Технология фани мазмунида компетенцияларни шакллантириш учун самарали ҳисобланган қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланиш тавсия этилади: муаммоли ўқитиш методлари, гуруҳли ўқитиш методи, лойиҳа методи, моделлаштириш методи, тажриба методи, ўқувчиларни турли ҳаётий вазиятларига олиб кириш.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегртив ёндашувдан фойдаланиш самарадорлиги”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегртив ёндашувдан фойдаланишга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва методлари ҳамда олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланиш имкониятлари етарлича тадқиқ этилмаганлиги асосида қуйидаги вазифалар ечими изоҳланди: таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида интегратив технологиялардан фойдаланиш йўналишларини аниқлаш; таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида дидактик материалларнинг интегратив характерга эга бўлишини таъминлаш; таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнини турли шаклларда ташкил этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш; ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ва гуруҳда фаолият кўрсатишга жалб қилиш, мулоқотга киришишларини таъминлайдиган методларни қўллаш ва тажриба-синов ишлари орқали самарадорлигини аниқлаш; таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнида педагогик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.

Тажриба-синов жараёнида биринчи навбатда ўқувчиларнинг ижтимоий ҳамкорлик ва мулоқот кўникмаларини эгаллашларига эътибор қаратилиб, бир қатор иш турларидан фойдаланилди. Қўлланган технологияларга муайян талаблар қўйилди.

1) гуруҳли иш жараёнида мулоқот кўламини кенгайтириш;

2) ўқувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш имкониятига эътибор қаратиш;

3) таянч компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилуви интегратив характердаги ўқув материалларини лойиҳалашда ўқитувчининг мавқеини ошириш.

Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ишланмаларнинг мазмунига қуйидагиларни ифодаланишига эътибор қаратилди: ўқув материалларининг муайян дидактик мақсадга эришилишига хизмат қилиши; ўқувчиларнинг касбий мулоқот кўникмаларини эгаллаганликлари; тақдим этилган ўқув материаллари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳаётини ифодаланишига эътибор қаратиши; дидактик материалларнинг ўқувчиларни ижтимоий фаолликка ундашга йўналтирилганлиги; машғулот хонасини мавзуга оид жиҳозланиши асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилганлиги.

Дидактик материаллар мазмунида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамда билишга асосланган фаолиятни ривожлантириш имкониятлари уйғунлаштиришда бир қатор мезонларга таянилди:

а) ўқувчиларда коммуникатив компетенцияларнинг шаклланиши;

б) ўқувчиларга жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида аниқ тасаввурнинг пайдо бўлганлиги;

в) ўқувчиларда ижтимоий муносабат тажрибасининг ҳосил бўлганлиги.

г) шахслараро муносабатлар ва ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлашнинг вужудга келганлиги.

Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда бир қатор ҳолатларга алоҳида эътибор қаратилди:

1) ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда ўқув ҳамда амалий фаолиятларини уйғунлаштириш;

2) жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишларини тарғиб қилувчи фото, аудио, видеовизуал воситалардан фойдаланиш.

